



## Дам бу дамдур... (Яссавий)



Дам бу дамдур, ўзга дами дам дема,  
Шукр кил, дунё гамини гам дема.

Куймаса жону дилинг хам устихон,  
Кўз ёшинг оккан била сен нам дема.

Хох кулса, йигласа ошик эли,  
Чехраи сурхин кўруб, бегам дема.

Асли наслинг катраи оби маний,  
Хасни кўрсанг сен, ўзингдин кам дема.

Одамеда зарра маъни бўлмаса,  
Сен ани сурат кўриб, одам дема.

Туймаса сир маънидин одам эмас,  
Сен ани суврат кўриб, махрам дема.

Гар юракда бўлмаса юз доги дард,  
Зинхор кочкил, ани хамдам дема.

Дўстлар, девона эрмас хар киши,  
Изми жондин кечмаса одам дема.

Ахмадо, тутгил ганимат хар нафас,  
Ёрсиз ўтган бу дамни дам дема.

Шарх: Дам бу дамдур...

Эй инсон, олаётган хар нафасинг ганимат. Ўтаётган дамингучун Яратганга шукр айт ва хар дамингни ибодат, зикр жавохири билан бега. Умрингни дунё гамига исроф этма. Бекор ўтган бир даминг кайгусида жону дилинг ўртанмас экан, кўзингдан оккан ёшнинг заррача киймати йўк. Аллох жамолига ошик кимсалар холини талкин киламан деб овора бўлма, эй ишк гамидан бегона инсон. Зеро, асл ошиклар кулганда хам йиглаганда хам Яратганнинг ёди билан бўладилар. Аслинг нималигини биласанми? Бор-йўги бир томчи сувдан бунёд бўлгансан. Шундай экан, кибру хаводан йирок бўл. Хасни хам ўзингдан юксак деб бил. Одам мохиятини маънавий даражаси белгилайди. Сурату сумбат — бу хали одам дегани эмас. Калбида Аллох ишкидан дог бўлмаса, бундайлардан бошинг олиб коч. Аллох ишкида девоналик комиллик белгисидирки, Яратганни танимаган кимсани одам демагин. Ахмадо, хар дамингни ганимат бил, Аллох зикри билан олинмаган нафасдан воз кечгин.

Рахматуллох Носирнинг  
"Соз билан сухбат" китобидан